

## Нафсимни ўлдирдим



08:40 / 31.03.2019 3241

Умму Робиъ ўғли Робиъ ибн Хайсамга: «Ухламайсанми, ўғлим?» деди. Робиъ: «Онажон, қоронғи тушса, шу кечаси руҳи қабз қилинишидан қўрққан одамнинг ухласликка ҳаққи бор», деди.

Онаси ундаги бедорлик ва йиғи асоратларини кўриб, «Ҳой бола, сен бировни ўлдиргансан шекилли?» деди. Робиъ: «Ҳа», деди. Онаси: «Ўлган одам кимлигини айт, бориб, оиласидан кечирим сўраймиз, зора кечиришса! Аллоҳга қасамки, сендаги бу бедорлик ва йиғи асоратини кўришса, албатта раҳм қилишади», деди. Робиъ: «Онажон, мен ўзимнинг нафсимни ўлдирдим», деди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**